

СУДЛАР ФАОЛИЯТИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Шерматов Муроджон Абдумутал ўғли

*Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби Ўқув-методик бўлим бош мутахассиси*

Аннотация: Судлар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадга мувофиқ хисобланади. Бевосита судлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам судларнинг очиқ ва ошкора фаолият юритиши, очиқ суд муҳокамаларини ўтказиш, судларда жамоатчилик иштирокини таъминлаб боришга қаратилган. Мақолада судларда жамоатчилик назорати амалга ошириш асослари ва муаммолари ўрганилган. Миллий қонунчилигимиз учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Қалит сўзлар: жамоатчилик назорати, суд ишини ошкоралиги, очиқ суд мажлиси, ёпиқ ва қисман ёпиқ суд мажлиси.

Аннотация: Установлен общественный контроль за деятельностью государственных органов и должностных лиц. При этом важно обеспечить действенный общественный контроль за деятельностью судов. Реформы системы прямого судопроизводства также направлены на обеспечение открытости и прозрачности судов, открытых судебных заседаний и участия общественности в судах. В статье рассматриваются проблемы и основы реализации общественного контроля в судах. Разработаны предложения и рекомендации для нашего национального законодательства.

Ключевые слова: общественный контроль, прозрачность дела, открытое судебное заседание, закрытое и частично закрытое судебное заседание

Abstract: Public control over the activities of government agencies and officials has been established. At the same time, it is important to ensure effective public control over the activities of the courts. Reforms in the direct judicial system are also aimed at ensuring the openness and transparency of the courts, open court hearings and public participation in the courts. The article examines the basics and problems of public control in the courts. Proposals and recommendations have been developed for our national legislation.

Keywords: public control, transparency of the case, open court session, closed and partially closed court session.

Судларда жамоатчилик назорати ўрнатилиши мумкин бўлган объектларни ва улар доирасини тўғри аниқлаш юзасидан янги таҳрирда қабул қлинган Конституциямизнинг 36-моддасига эътибор қаратадиган бўлсак, судларда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг конституциявий асосларини мустаҳкамланган. Бу эса, судлар фаолияти устидан жамоатчилик назорати амалга ошириш мумкинлиги, бироқ судларда

жамоатчилик назорати ўрнатилиши мумкин бўлган объектлар доирасини ўрганишни тақозо этади.

Қайд этиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига эътибор қаратадиган бўлсак, “давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг ижро этилишини таъминлашга, ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга, давлат хизматларини кўрсатишга, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг объекти сифатида кўрсатилган”. Бироқ мазкур Қонуннинг 2-моддасида суд ишларини юритиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш алоҳида қонунчилик билан тартибга солиниши қайд этилган³⁴.

Шу нуқтаи назардан, судларда жамоатчилик назорати объектлари доираси қонунчиликда кўрсатилмаган дейиш мумкин белгиланмаган. Шу боис, судларда жамоатчилик назорати объектлари бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни тадқиқ этиш лозим бўлади. Хусусан, А.Отажонов “ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг объекти сифатида Ички ишлар вазирлиги, унинг соҳавий ва ҳудудий тузилмалари, шунингдек ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этилган бошқа бўлинма ва ташкилотларни ва ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг асосий объектларидан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси юклатилмаган унинг таркибий тузилмаларидан иборат бўлган қўшимча объектларни ҳам белгилайди”³⁵. Ш.Холиқова эса “жамоатчилик назоратининг объекти сифатида давлат органлари, муассасаларининг, хўжалик юритувчи органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонунчилик ҳужжатлари билан ўз зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришга, давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида белгиланган топшириқларнинг ижросини таъминлашга, қонун ҳужжатлари талабларини ижро этишга, ижтимоий шерикликка оид битимлар ва лойиҳаларни амалга оширишга, давлат хизматларини кўрсатишга доир фаолиятини келтириб ўтади”³⁶. Ушбу илмий қарашлар билан кўриш мумкинки, жамоатчилик назорати объектлари доираси кенг. Хусусан,

³⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни 2, 4-моддалари // <https://lex.uz/docs/3679092>

³⁵ Отажонов А.А. ва бошқ. Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш / Монография. – Т, 2020. – В 113.

³⁶ Холиқова Ш.А. Давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (ПхД) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати – Т 2021. – В 52.

барча давлат органлари фаолияти бўйича умумий бўлган ва алоҳида соҳа фаолияти билан боғлиқ бўлган махсус жамоатчилик назорат объектлари мавжуд. Хусусан, судларда жамоатчилик назорати объектларини ҳам фақат одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ судларнинг фаолияти билан бирга, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи субъектлар, органлар фаолиятини ҳам киритиш мумкин.

В.Г.Афанасев эса, назорат объектига давлатнинг фаолият кўрсатиш жараёнида қабул қилинган бошқарув қарорлари – қонунлар, режалар, нормалар, қоидалар, буйруқлар ва бошқаларни қонунчиликка мувофиқлигини назорат қилиш ва текшириш тизимини киритади³⁷. Бироқ, мазкур олим томонидан давлат органлари ёки ташкилотлари мансабдор шахсларининг фаолияти назорат объектидан четда қолдирилган. Бу борада О.С.Забралованинг қуйидаги фикрлари таҳсинга сазовордир, “жамоатчилик назоратининг объектлари инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузган ёки уларнинг бузилиши учун зарур шарт-шароитлар яратган, тўсиқлар пайдо қилган ҳаракат ёки ҳаракатлар (ҳаракатсизлик), шунингдек, ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш учун шахсга қонунга хилоф равишда бирон-бир мажбурият юклаган ёки қонунга хилоф равишда жавобгарликка тортган қарорлари бўлиши мумкин”³⁸. Бу эса, жамоатчилик назорати объектларига инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат органлари ва мансабдор шахслари фаолиятининг қонунийлигига эришиш, жамият манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда жамоатчилик манфаатларини ва фикрини ҳисобга олинишини таъминлаш каби мезонлар асосида аниқланади деган хулосага келиш мумкин.

Шунга кўра, бизнингча, жамоатчилик назоратининг объекти деганда жамоатчиликнинг манфаатларига дахлдор бўлган жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари, хусусан давлат органлари ва мансабдор шахсларининг фаолияти тушунилади.

Жамоатчилик назоратининг объектларини икки гуруҳга, яъни умумий ва уларнинг фаолиятига қараб соҳавийга ажратиш мумкин. Умумий жамоатчилик назоратининг объектлари “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган бўлиб, барча давлат органлари фаолиятига тааллуқлидир. Иккинчи гуруҳга эса муайян бир соҳанинг фаолиятига оид вазифалардан келиб чиқиб белгиланадиган жамоатчилик назорати объектларини киритиш мумкин.

Жумладан, судлар фаолиятига оид жамоатчилик назоратининг объектлари соҳавий гуруҳга тааллуқли бўлиб, суд қарорлари, судьялар ва суд ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), суд тузилмаларининг фаолияти, шунингдек судьялар ҳамжамияти органларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни қамраб олади.

³⁷ Афанасьев В.Г Научное управление обществом Политиздат // – М, 2015. – С 25. https://rusneb.ru/catalog/000200_000018_rc_4244019/

³⁸ Забрапова.О.С, Общественный контроль за исполнительной властью (теоретические и методологические аспекты) // <https://cyberleninka.ru/article/n/obschestvennyy-kontrol-za-ispolnitelnoy-vlastyu-teoreticheskie-i-metodologicheskie-aspekty>

Ўз навбатида, судлар фаолиятига тегишли жамоатчилик назоратининг объектларини институционал ва индивидуал турларга бўлиш мумкин. Бинобарин, институционал ва индивидуал жамоатчилик назоратини амалга ошириш судлар фаолиятини тўлиқ, комплекс назорат қилиш имконини беради.

Институционал объектлар гуруҳига судлар, суд тузилмалари (Олий суд Пленуми, Раёсати, Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва б.), судлар фаолиятига кўмаклашувчи тузилмалар (Судьялар олий кенгаши, судьяларнинг малака ҳайъатлари, судьялар конференциялари ва б.) киради. Ҳуқуқшунос олимларимиз томонидан ҳам жамоатчилик назоратининг объекти фақат давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти билан чегараланмаслиги, балки улар фаолиятига кўмаклашувчи субъектларни ҳам жамоатчилик назорати объектига киритиш мумкинлиги таъкидланган.

Иккинчи гуруҳга эса индивидуал, яъни судьялар, суд раислари ва уларнинг ёрдамчилари, суд ходимларининг қарорлари, ҳаракат ёки ҳаракатсизлигига оид назорат объектларини киритиш мумкин. Масалан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузган ёки уларнинг бузилиши учун шарт-шароитлар яратган, тўсиқлар пайдо қилган суд қарори, қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик назорат объекти ҳисобланади. Бунда назорат очик суд мажлисларини ташкиллаштириш, қонуний ва адолатли қарорлар қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилиш, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этиш, судьяларнинг аҳоли билан учрашувларини ташкил этиш, шунингдек судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишига оид ҳаракат ёки ҳаракатсизлигига нисбатан қаратилиши мумкин.

Шунга кўра, судларда жамоатчилик назоратининг объектларига жамоатчиликнинг манфаатларига дахлдор бўлган ҳамда судлар фаолиятига кўмаклашувчи тузилмаларнинг процессуал ва процессуал ҳарактерга эга бўлмаган фаолияти, шу жумладан, уларнинг қарорлари, судьялар, суд ходимлари ва бошқа масъул шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) тушунилади.

Судларнинг процессуал фаолияти устидан жамоатчилик назорати объекти рўйхатига, авваламбор, очик суд мажлислари ва сайёр суд мажлисларини ўтказишга оид фаолиятни киритиш мумкин. Амалдаги қонунчиликка кўра, очик суд мажлисларида ҳар қандай шахслар иштирок этиши мумкин. Суд мажлисларида уларнинг иштирокини чеклайдиган ёки иштирокини истисно этадиган биноларда ўтказишга йўл қўйилмаслигига оид кафолатлар белгиланган. “Суд мажлисида иштирок этаётган шахслар, шу жумладан оммавий ахборот воситалари суд мажлисини фототасвирга тушириш, видеоёзувни амалга ошириш, оммавий ахборот воситаларида трансляция қилиш каби ҳуқуқлардан қонунда белгиланган тарзда фойдланишлари мумкин”³⁹.

³⁹ Мамасиддиқов М.М., Отажонов А.А. ва бошқ. Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш // Монография. Муаллифлар жамоаси. Т.: – 2020. Б 220.

Шунингдек, процессуал қонунчиликда суд ишларини кўриб чиқиш натижасида чиқарилган қарорлар устидан тарафларнинг шикоят қилиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, ўзининг ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилган шахслар ва уларнинг вакиллари, шу жумладан, адвокатлар ва суднинг қарори билан ўзига муайян мажбуриятлар юклатилган бошқа шахслар белгиланган тартибда шикоят бериш ҳуқуқига эгалар.

Судьянинг одил судловни амалга ошириш жараёнидаги хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги ҳам назорат объектини ташкил этади. Шу боис, судьяларнинг қонунга хилоф ва одоб-ахлоқ қоидаларига зид ҳаракатлари устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкинлиги қонунчиликда ўз ифодасини топган.

Судларнинг процессуал ҳарактерга эга бўлмаган фаолиятига оид назорат объектлари жумласига судлар ва улар тузилмаларининг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган фаолияти ва қарорлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қонунчиликнинг қўлланилиши юзасидан тушунтиришлари, суд амалиёти ва суд статистикаси, уларнинг таҳлилини, судьяларнинг ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш бўйича ишлари таҳлили, суд амалиёти обзорлари, судьяларнинг шахсий қабули ёки сайёр қабуллари, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги, ўтказилган танловлар (тендерлар) ва олинган товарлар тўғрисидаги ахборотлар, ишга қабул қилиш шартлари ва тартиби, шунингдек судларнинг фаолиятини тартибга солиш юзасидан ишлаб чиқилган, фойдаланиш учун очиқ бўлган судларнинг ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини киритиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни 2, 4-моддалари // <https://lex.uz/docs/3679092>
2. Отажонов А.А. ва бошқ. Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш / Монография. – Т, 2020. – В 113.
3. Холиқова Ш.А. Давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (ПхД) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати – Т 2021. – В 52.
4. Афанасьев В.Г. Научное управление обществом Политиздат // – М, 2015. – С 25. https://rusneb.ru/catalog/000200_000018_rc_4244019/
5. Забрапова.О.С, Общественный контроль за исполнительной властью (теоретические и методологические аспекты) // <https://cyberleninka.ru/article/n/obschestvennyy-kontrol-za-ispolnitelnoy-vlastyu-teoreticheskie-i-metodologicheskie-aspekty>

6. Мамасиддиқов М.М., Отажонов А.А. ва бошқ. Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш // Монография. Муаллифлар жамоаси. Т.: – 2020. Б 220.